O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 17 апрель, № 78 (4741) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 апрель

МОДЕРНИЗАЦИЯ, МАНФААТДОРЛИК, БАРҚАРОРЛИК

мамлакатимиздаги корхоналар эришаётган ютуқлар омили бўлмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғли оқилона эканлиги, айниқса, жаҳон молиявий инқирози давом этаётган ҳозирги пайтда янада яққолроқ кўзга ташланаяпти. Бу, ҳатто чет эл экспертлари томонидан эътироф этилаётгани қувонарли ҳол, албатта.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг иқтисодиётимизга таъсирини олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастури изчил амалга оширилмоқда. Натижада иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари ривожланиб, юқори кўрсаткичлар қўлга киритилаяпти. Марказий Осиёда кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг йирик ҳисобланган очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Ўзкабель" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Гап шундаки, пойтахтимиздаги мазкур корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 24 миллиард 490,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Бунда экспорт ҳажми бизнес-режадагидан ортиб, 4 миллион 600 минг АҚШ долларини ташкил этгани ва шу даврда қўшимча равишда 2 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси жалб қилингани алоҳида эътиборга лойиқдир. Жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар Озарбойжон, Россия, Туркия, Қозоғистон, Эрон сингари давлатларга сотилди. Ва улардан яна кўплаб буюртмалар олинди. Корхона маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг муттасил ортиб бориши ишлаб чиқариш ҳажми йил давомида юқори суръатда бўлишидан далолат бермоқда.

— Дунёнинг ривожланган давлатларидаги гигант корхоналар нега "синиб" қолаётганини биласизми? — дейди қўшма корхона бош директори Мирҳаёт Ҳакимов. — Улар битта йўналиш билан чекланиб қолгани оқибатида молиявий бўҳронга дош бера олмаяпти. Юртимизда эса ишлаб чиқарувчилар олдига қўйилаётган талаб тамомила бошқача: маҳсулот тури ва кўламини кенгайтириб, турли шароитларга мослашувчан тизимни вужудга келтириш. Бунга мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ жиддий эътибор қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизга ташриф буюрган Португалия Республикаси ташқи ишлар вазири Луиш Амаду раҳбарлигидаги делегация 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова билан учрашди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Португалия ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятларга, бой маданият ва узоқ тарихга эга мамлакат, — деди Луиш Амаду. — Португалия Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ташрифдан мақсадимиз ҳам сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Учрашувда Ўзбекистон ва Португалия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди.

Португалия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА).

СУВ БУТУН ИНСОНИЯТГА БЕРИЛГАН НЕЪМАТ, У ҲЕЧ КИМНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС

Дунёнинг етакчи мамлакатлари эксперт-таҳлилий ва ижтимоий доиралари Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёларидан фойдаланиш ва минтақадаги давлатлар билан келишувга эришилмасдан туриб гидро иншоотлар қурилиши масаласини кенг муҳокама қилмоқда ва ўз муносабатларини билдирмоқда.

Дунё нигоҳи

Кўпгина экспертлар Қирғизистонда Қамбарота ГЭСи ва Тожикистонда Роғун ГЭСининг Ўзбекистон нуқтаи назарида баён этилган тамойиллар ҳисобга олинмасдан қурилишини режалаштириш минтақа ва унинг аҳолисига тузатиб бўлмайдиган экологик зарар келтиради, деб ҳисоблайди.

Иқтисодиёт профессори, Брюсселдаги Европа халқаро муносабатлар институти вице президенти Ж. Липпертнинг таъкидлашича, «бундай масалаларни ҳал этишда асосий жиҳатларга эътибор қаратиш керак».

— Мен қатъий ишонаманки, сув бутун инсониятга берилган неъмат ҳисобланади, у кимнингдир хусусий мулкига айланиши мумкин эмас. Бу ҳақиқатни халқаро даражадаги меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқлаш даркор, — дейди олим.

Ж. Липпертнинг фикрига кўра, Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг нуқтаи назари ва қарашлари қўшни давлатлар учун минтақа аҳолиси ва саноати манфаатларига етарли тарзда сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга соладиган, уларнинг минтақа даражасида бирлашган гуруҳини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Вюрцбург университети профессори, сиёсатчи, экология ва сув масалалари бўйича эксперт Ж. Зеринг (Германия) трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қурилиши қўшни давлатлар билан келишилган ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак, дея таъкидлайди. «Шу маънода, мен Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларининг трансчегаравий дарёлардан фойдаланишида ушбу минтақада истиқомат қиладиган 50 миллион аҳолининг тақдири ва манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватлайман», дейди немис эксперти.

Вена табиий ресурслар ва табиий фанлар институти директори, профессор Х. Нахтнебель Сурия, Ирок, Исроил, Туркия, Иордания ва Миср ҳукуматларининг сув масалалари бўйича илмий маслаҳатчиси ҳисобланади. У Европа Иттифоқининг Орол денгизи масаласи бўйича ташкил этган турли анжуманларида

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг дадил одимлари

2009 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, мамлакатимизда:

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши **7,9** фоизни,
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши **9,9** фоизни,
истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши **12,5** фоизни,
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши **5,7** фоизни,
хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши **16,6** фоизни,
қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши **12,1** фоизни ташкил этди.

Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,4** фоиз миқдорида профицит билан ижро этилиши таъминланди.

Инфляция даражаси прогноз параметрларидан юқори бўлмади.

Инвестицияларнинг **31,4** фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг **2,5** баравар кўпайишига эришилди.

Ўтган чорак мобайнида:

54 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига **36,2** фоизгача,

хизматлар соҳасининг улуши 44,4 фоиз ўрнига **45,5** фоизгача кўпайди.

Жойларда **208,6** мингта янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми **6,1** фоизга ўсиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Ана шу эришилган ютуқларнинг бари республикамизда таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишлаб чиқариш корхоналарини ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш тадбирлари амалга оширилганининг натижасидир.

суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

26-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

27-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши тартиби

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради, 17-модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Ушбу Қонун 17-моддасининг иккинчи қисми қоидалари мазкур Қонун кучга кирганидан кейин олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 апрель
№ ЎРҚ – 210

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2009 йил

Қирқиш чизиғи

Энг кам иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бунда зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча тарзда тўланади.

Жабрланувчига ёки наф олувчига суғурта ҳодисаси юз берганлиги муносабати билан етказилган маънавий зарарни компенсация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13-модда. Суғурта товонини олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига мурожаат этади:

иш берувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг кўчирма нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) кўчирма нусхаси;

касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;

Буклаш чизиғи

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

14-модда. Суғурта товонини тўлаш тартиби

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони, агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, суғурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан ва ҳар ойлик тушга эга бўлмаган қўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда суғурта товони иш берувчи тақдим этган, у шундай хара-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Маҳсулотнинг материал ва энергия сарфини камайтириш ҳамда таннархини пасайтириш — иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада оширишнинг асосий омиллари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ГАРОВИ

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзбекнефтгаз" МХК ва бошқа манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимиз реал секторида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда кейинги барқарор ўсиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги истеъмол бозорларини ўзлаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу боис маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун саноатнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқариш сарф-харажатлари устидан қатъий назорат ўрнатиш ва тежамкорликни жорий этиш ҳамда маҳсулот таннархини кескин пасайтириш бугунги кунда катта аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, мазкур вазифани амалга ошириш учун давлатимиз раҳбари томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар мажмуи акс этган бир қатор фармонлар қабул қилинди. Хусусан, 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" ги Фармони шулар жумласидандир.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан "2009-2015 йилларда электр энергетикасини янада ривожлантириш ва модернизациялаш дастури" қабул қилинган. Бунинг натижасида 2015 йилга қадар режалаштирилаётган ёқилғининг солиштирма сарфи 342,2 г/кВт/ соатгача пасайиши билан биргаликда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 50,5 млрд. кВт/соатгача ўсиши таъминланади. Бундан ташқари, яқин келажакда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш йўли билан иссиқлик электр энергетикасини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, "Ўзбекнефтгаз" МХК томонидан ҳам 2009 йилда тармоқда саноат корхоналари маҳсулоти таннархини пасайтиришни таъминлашнинг муайян чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Давра суҳбатида иштирокчилар маҳсулот таннархи, материал ва энергия сарфини пасайтириш ҳамда харажатларни камайтириш хусусида атрофлича сўз юритишди.

Зиёда АШУРОВА.

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларидан танловга қўйилган жами 13 та радиочастота бўйича буюртмалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, Комиссия томонидан телерадиодастурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

СУВ БУТУН ИНСОНИЯТГА БЕРИЛГАН НЕЪМАТ, У ҲЕЧ КИМНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

иштирок этиш ва қўшма лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистонда бир неча бор бўлган. Австриялик эксперт совет даврида қурилган Тўхтағул сув омбори, энг аввало, Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистоннинг бир қисмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сув чиқаришга мўлжаллаб барпо этилган, ушбу иншоотдан электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланиш масаласи иккинчи даражали бўлган, деб ҳисоблайди.

Бундан келиб чиқадики, ҳозирги вазиятда Қирғизистон раҳбарияти Тўхтағул ГЭСидан бутунлай зид мақсадда, мавжуд сув оқимининг миқдори ва тартибини бузган ҳолда фойдаланмоқда. Трансчегаравий дарёлар бўйича халқаро конвенцияларга асосан, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон оқимининг қуйи қисмида жойлашган давлатларнинг манфаатларини эътиборга олиши керак.

Италиянинг Осиё ва Ўрта ер денгизи давлатлари институти бош котиби, «Италия-Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби Антонио Локе «Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни ўйлаб олиб бораётган сиёсати Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича муҳим инновацион туртки бўлади», дея таъкидлади.

У минтақа давлатлари сув масаласи бўйича Марказий Осиё манфаатларига мос келадиган ягона тўхтамга учинчи томоннинг аралашувисиз келишлари лозимлигини қайд этди.

Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти (Япония) ижрочи директори Тецужи Танака минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энг аввало, Марказий Осиё давлатлари орасидаги ҳамжиҳатликнинг муваффақиятини намоён этишини айтди.

«Тожикистон ва Қирғизистон сувни ирригация мақсадлари учун сақлаш ўрнига асосан қиш мавсумида электр энергияси ишлаб чиқарадиган ГЭС қуришни режалаштирмоқда. Айни пайтда иқлим ўзгариши ва ҳароратнинг глобал тарзда исиши шароитида Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёларини сув билан таъминлашнинг асоси бўлган муз уюмларининг сезиларли миқдорда камаяётгани кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, ГЭСлар қурилиши бўйича пухта техникавий-иқтисодий экспертиза ўтказиш заруриятини янада оширади».

Айни фикрни билдирган Японияннинг **JICA агентлиги иқлим ўзгариши бўлими директори Томонори Судо** Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа давлатларида сув-энергетик масалаларини иқлим ўзгариши ва ҳароратнинг глобал тарзда исиши муаммоси билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш зарурлигини қайд этди.

Унинг фикрига кўра, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бу каби масалаларни дунёдаги бирон бир давлат алоҳида ўзи ҳал қилиши мумкин эмас. «Шу маънода ушбу масалаларни ҳал этиш юзасидан, энг аввало, келишувга эришилганидан кейин учинчи давлат инвестор ёки ҳомий сифатида жалб қилиниши керак», деб таъкидлади Т. Судо.

Озарбойжон фанлар академияси геология институти етакчи илмий ходими, география фанлари доктори В. Мамедовнинг қайд этишича, Марказий Осиё халқлари қадимдан сувни эъзозлаган ва унинг тақсимланиши ҳамда оқилона фойдаланилишини ўз даврининг етук намояндаларига топширган. Хусусан, Хоразмшоҳ Маъмун Хоразмдаги барча сувлар устидан назорат қилишни буюк олим ал-Берунийга берган. Олим Жайхун (Амударё) қирғоғида кузатув иншоотларини қурган ва одамлар сувнинг ҳаракатини кузатиб борган.

«Афсуски, ҳозирги кунда баъзи давлатларда аждодлари билиб, астойдил сақлаб келган сувга эътибор қоидаларини, асл ҳақиқатни ёдга олишни хоҳлашмаяпти, — дейди олим. — Марказий Осиёнинг стратегик дарёларида Қамбарота ва Роғун ГЭСларини қуриш бўйича лойиҳалар фаол муҳокама қилинмоқда. Бу лойиҳалар минтақада экологик вазият ва сув ресурслари муаммосини янада кескинлаштиришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Минтақада сув ресурсларидан номутаносиб тарзда фойдаланиш аллақачон Амударё ва Сирдарё оқимининг бир неча баравар саёзлашиб кетишига олиб келди. Натижада қачонлардир майдони бўйича дунё кўллари орасида тўртинчи ўринда турган Орол денгизи бир-биридан айри-айри ҳолда жойлашган шўр кўлчаларга айланди. Минтақада умумжаҳон даражасидаги экологик инқироз юзага келди. Қирғизистон ва Тожикистонда кўзда тутилаётган гидролойиҳалар охир оқибатда минтақанинг сув ва биологик ресурслари билан бирга ижтимоий ва гуманитар ҳаётига янада салбий таъсир этади».

В. Мамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида янги гидротехник иншоотлар қурилиши лойиҳаси ва уларнинг техникавий-экологик зарари, албатта, халқаро бетараф аудиторлик ташкилотлари томонидан холис экспертизадан ўтказилиши зарурлиги ҳақидаги асосли ва ўз вақтида билдирган муносабатини алоҳида қайд этди.

«Ҳиндистон-Марказий Осиё» тадқиқот жамғармаси директори Нирмала Жошининг фикрига кўра, «Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш масаласи бўйича Ўзбекистон нуқтаи назари трансчегаравий дарёлар бўйича халқаро ҳужжатлар қоидаларига мосдир ва минтақадаги дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича пайдо бўлаётган мураккаб вазиятларни тартибга солишда қўлланилиши мумкин. Юзага келаётган ҳолатдан чиқишда БМТнинг тегишли конвенцияларидан истифода этиш бўйича Ўзбекистон ёндашуви мақбул йўлдир, деб ўйлайман.

Шунингдек, Марказий Осиёнинг сув муаммоларида учинчи томоннинг иштироки ҳар бир давлат манфаатларини, албатта, ҳисобга олувчи объектив омилларга асосланиши ҳамда минтақа давлатларининг ушбу масалалардаги мунозарали қарашларини кескинлаштирмаслиги ва минтақа экологиясига тузатиб бўлмас зарар етказмаслиги даркорлиги ҳақидаги фикрларга тўла қўшиламан».

«Political Events» ҳафтаномасининг сиёсий шарҳловчиси М. Дҳар мазкур масала юзасидан қуйидаги мулоҳазаларларни билдирди:

«Мен Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги вазиятни анчадан буён кузатиб келаман ва бу борада Ўзбекистоннинг изчил нуқтаи назари диққатга сазовор, деб ҳисоблайман. Ўйлайманки, Марказий Осиё мамлакатлари бир-бирлари билан минтақадаги сув ресурсларидан халқаро конвенциялар асосида фойдаланиш юзасидан келишувга эриша оладилар. Марказий Осиёдаги янги гидроэнергетик иншоотлар қурилишида учинчи томоннинг иштироки, агар у асосли ва қўшни давлатлар ҳақ-ҳуқуқларини чегаралаб қўйишга хизмат қилмаган тақдирдагина қутланиши мумкин».

«Жаҳон» АА.

МОДЕРНИЗАЦИЯ, МАНФААТДОРЛИК, БАРҚАРОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чиндан ҳам, мазкур корхона давлат тасарруфидан чиқарилаётган пайтда инвесторлар зиммасига шундай мажбуриятлар юклатилган эди. Унга кўра, 2004-2009 йиллар ичида 16 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва бир неча турдаги импорт ўрнини босувчи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифалари белгилаб берилди. Бунинг натижалари дастлабки йилдаёқ кўзга ташланди. Асосий йўналиш — кабель тайёрлаш цехлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши баробарида, лок-бўёқ ишлаб чиқариш кўлга қўйилди. Натижада ўша йили 16 минг тоннадан ортиқ импорт ўрнини босувчи бўёқлар ички бозорга чиқарилди.

Айтиш жоизки, бу пайтгача республикамизда кимёвий бўёқлар ишлаб чиқарилмас, у асосан импорт қилинар эди. Корхонада бунга кўл урилгани валютани тежаш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлади. Ўтган тўрт йил ичида бу ерда меҳнат қилувчилар сони икки баробарга ортиб, 1800 нафарга етгани сўзимизнинг исботидир.

Жамиятда тизимли ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, лок-бўёқ маҳсулотлари қадоқланадиган металл ва елим идишлар, картон қутилар, пластмасса буюмлар шу ерда тайёрланаяпти. Бундай маҳсулотлар корхона эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ички бозорга ҳам чиқарилаётир. Масалан, замонавий дизайнда тайёрланаётган картон қутиларнинг 56 фоизи ички эҳтиёжни таъминлаётган бўлса, қолган қисми юртимиз истеъмолчиларига етказиб берилмоқда. Шунингдек, қурилиш моллари ва офис мебеллари ишлаб чиқариш билан шуғулланилмоқдаки, бу ҳам даромаднинг янада ошишига хизмат қилаётир.

Корхона бош муҳандиси Шавкат Розиқовнинг айтишича, кабель-ўтказгичлар ишлаб чиқариш жуда мураккаб ва масъулият талаб этадиган жараёндир. Ишда бош мезон – сифат. Йўқса, маҳсулот рақобатга бардош бера олмайди.

Белгиланган инвестиция мажбуриятлари муддатидан олдин бажарилгани туфайли мавжуд ўндан ортиқ цехларнинг эскирган ускуналари қисқа вақт ичида Германия, Польша, Корея, Финляндия давлатларида ишлаб чиқарилган энг замонавий технологик линиялар билан янгиланди. Бунинг натижасида 2 минг 380 турдаги кабель-ўтказгичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Юқори сифатли бу маҳсулотларга нафақат энергетика ва телекоммуникация, балки авиа ва машинасозлик, нефть ва газ, темир йўл ва кон-металлургия, қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат тармоқларида талаб ниҳоятда катта.

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан экспорт қилинаётган кабелларга, айниқса, Россия Федерациясида талаб тобора ортиб бораяпти. Чунки бу юртдаги трамвай, троллейбус, темир йўллар ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш тармоқларида "Ўзкабель" маҳсулотларидан фойдаланилади.

Корхона ишчи-хизматчилари маҳсулот турларини янада кўпайтириш устида тинмай изланишмоқда. Бугунги кунда 35 кВт кучланишгача бўлган кабель-ўтказгичлар тайёрланаётган бўлса, уларни 110-220 кВтгача етказиш ҳаракати бошлаб юборилган. Шу мақсадда 12 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси жалб этилмоқда.

Шу билан бирга, Маҳаллийлаштириш дастури жамият ҳаётида янги саҳифалар очиб бераяпти, десак, асло муболаға бўлмайди. Негаки, мазкур дастур доирасида импорт ўрнини босувчи кўплаб хом ашё ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу йил яна 11 та лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Бунинг шарофати туфайли 100 дан ортиқ янги иш ўринлари очилиб, экспортбоп қурилиш ва кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундай маҳсулотларнинг дастлабки қисми июнь ойида истеъмолчиларга етказиб берилади. Йил охиригача эса уларнинг умумий ҳажми 10 миллиард сўмликка етказилади. Буларнинг бари иқтисодиётимизнинг янада мустаҳкамланиб, давлатимиз қудратининг тобора юксалишига хизмат қилади.

Саид РАҲМОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 16 апрель куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, илм-фан, юқори технологиялар, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, комиссия ҳамраиси С.Исмоилов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бошқа жабҳалар қатори савдо-иқтисодий соҳада ҳам ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

Мамлакатларимиз ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамда божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. 2008 йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 23,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзбекистонда покистонлик сармоядорлар иштирокида олтмишга яқин қўшма корхона тузилган. Покистоннинг ўнга яқин компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кўнчилик, қоғоз саноати, сайёҳлик ҳамда экспорт-импорт операциялари каби соҳаларда фаолият кўрсатади.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат, — деди Покистон Ислом Республикаси сув ва энергетика ресурслари вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Рожа Парвез Ашраф. — Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик учун барча қулайликлар яратилган. Бу покистонлик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда. Мақсадимиз икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Мажлисда Ўзбекистон билан Покистоннинг ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун банк-молия муассасалари алоқаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

жатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

Агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузиши ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича иш берувчи олган суғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча тўланиши керак.

15-модда. Аннуитетлар шартномаси

Аннуитетлар шартномаси оммавий шартномадир.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, суғурта пули доирасида тегишинча:

жабрланувчига у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, суғурта товонини олиш

Буклаш чизиғи

лиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

мархумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган миқдорда дафн этиш харажатлари;

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида

Буклаш чизиғи

суғурталовчини алмаштиришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

суғурталовчи ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;

суғурталовчига ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига нисбатан банкротлик таомили қўлланилганда;

суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тугатилганда ёки у бекор қилинганда.

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органининг розилиги билан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

24-модда. Низоларни ҳал этиш

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

25-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий

ҳамда белгиланган тартибда суғурта товонини тўлаш ваколатига эга бўлиши лозим.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишда рақобатни чеклаш ёки бартараф этиш, айрим суғурталовчиларга ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчиларга бошқаларига нисбатан асоссиз имтиёзлар бериш ёки олиш, иш берувчилар, жабрланувчилар ва наф олувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

22-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта захирасини шакллантириш

Агар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишда мазкур суғурта тури бўйича суғурталовчининг даромадлари ва харажатлари орасидаги фарқ бир йилда ушбу даромадларнинг беш фоизидан ортиқ бўлса, ортиқча сумма кейинги йилларда суғурта товонини тўлаш харажатларини компенсация қилиш учун суғурталовчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта захирасини шакллантиришга йўналтирилади.

23-модда. Суғурталовчини ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича

22

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи — ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

жабрланувчи — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

иш берувчи — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

3

Кирқиш чизиғи

қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Агар суғурталовчи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорида камайтирилади. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш куни ичида қўшимча тўлаши шарт.

11-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта пулини суғурта тарифига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти бир йўла тўланади.

3-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товонини тўлаш

12-модда. Зарарнинг миқдорини аниқлаш тартиби

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғ-

10

Буклаш чизиғи

ҳуқуқига эга бўлган наф олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун суғурта товони тўлаш мажбуриятини олади.

Аннуитетлар шартномаси иш берувчи билан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ўртасида тузилади. Аннуитетлар шартномасини тузиш учун иш берувчининг ёзма шаклдаги аризаси асос бўлади.

Аннуитетлар шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Аннуитетлар шартномасида кўрсатилиши лозим бўлган шартларнинг тўлиқ эмаслиги учун жавобгарлик аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи зиммасида бўлади.

Аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчига меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган муддатга ёки наф олувчи суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўладиган муддатга тузилади.

16-модда. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули ва суғурта мукофоти

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули жабрланувчига ёки наф олувчига қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган етказилган зарар миқдорида белгиланади.

Етказилган зарар миқдорини аниқлашда жабрланувчига унинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва соғлиғи шикастлангунига қадар ҳам, ундан кейин ҳам бўлган бошқа

15

Кирқиш чизиғи

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчидан ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

20-модда. Наф олувчининг ҳуқуқлари

Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки суғурталовчига мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан суғурта товонини олиш;

иш берувчидан, суғурталовчидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

20

Буклаш чизиғи

4-модда. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурияти

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталаши шарт.

2-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш шартлари ва тартиби

5-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти ва субъектлари

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганда унинг мулкий манфаатлари иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объектидир.

Иш берувчи, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи (бундан буён матнда суғурталовчи деб юритилади), аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи

5

Кирқиш чизиғи

8-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг базавий ставкаси ва коэффициентлари

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари базавий ставка ва коэффициентлардан иборатдир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифининг базавий ставкаси барча иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягонадир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг коэффициентлари иш берувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Суғурталовчи ушбу Қонунга мувофиқ белгиланганидан фарқ қиладиган базавий ставкани ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг коэффициентларини қўллашга ҳақли эмас.

9-модда. Иш берувчи фаолияти турларининг хавфлилик даражасини белгилаш

Иш берувчи фаолияти турларининг хавфлилик даражаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хавфлилик даражалари таснифига ва фаолият турларини муайян хавфлилик даражасига киритиш тартибига мувофиқ белгиланади.

8

Буклаш чизиғи

тининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи:

ўзи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечиктирмай ўзининг фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунга мувофиқ суғурталаши;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига аён бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши;

ходимларни иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан мазкур шартно-

17

ЖАҲОН 24 соат ичида

Суматра ороллари зилзила

Индонезиянинг Суматра ороллари кучли ер силкиниши қайд этилди, дейилади "Франс пресс" ахборотида.

Зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,6 баллга тенг бўлган. Ҳозирча қурбонлар ва талафотлар ҳақида бирор маълумот йўқ. Сейсмологлар табиий офат цунами келтириб чиқармаслигини билдиришди.

Эслатиб ўтамиз, Индонезия сайёрамиздаги энг фаол сейсмик ҳудудлардан биридир. Бу ерда ҳар йили ўртача 6-7 мингта ер силкиниши кузатилади.

Чорак аср ёзилган роман

Шу йилнинг ноябрь ойида таниқли ёзувчи Стивен Кинг 25 йил мобайнида ёзган "Гумбаз остида" номли романини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади.

"Гуардиан" нашрида ёзилишича, роман 1120 бетдан иборат. Асарда бир ҳудудда рўй бераётган сирли воқеалар баён этилади.

— Асарни йиллар мобайнида "пишитиб" бордим, — дейди ёзувчи. — Унда ҳаётда кўрганларим, эшитганларим ва тасаввуримдаги воқеа-ҳодисалар ўрин олган.

Энг қиммат уй сотувда

Лондонда дунёдаги энг қиммат уй сотувга қўйилди. "Таймс" нашрида ёзилишича, кўчмас мулк 150 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Уй олти қаватдан иборат бўлиб, икки минг квадрат метр майдонни ташкил этади. У ерда чўмилиш ҳавзаси, спорт зали, кичик кинотеатр мавжуд бўлиб, маданий ҳордиқ чиқаришга хизмат қилади.

36 соатлик футбол учрашуви

Англиянинг Бристоль академияси ҳамда «Лидс Беджерс» футбол жамоаларининг ўзаро учрашуви нақд 36 соат давом этди.

Улар бу билан канадаликларнинг 33 соату 36 дақиқалик жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлдилар.

Баҳсда «Лидс Беджерс» клуби 285:255 ҳисобида ғолиб чиқди. Айтиб ўтиш жоизки, учрашувда иккала жамоадан ҳам 18 нафардан футболчи иштирок этди. Уларнинг ҳар бири қарийб 18 соат давомида майдонда ҳаракат қилди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, ўйин хайрия акцияси доирасида менингитга қарши курашиш мақсадида ўтказилди. Шу орқали хайрия жамғармаси ҳисобига 10 минг фунт стерлинг атрофида маблағ келиб тушди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантириш, унинг етакчи тармоқларини шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисобкитобларни амалга ошириш, молия-кредит амалларини бажаришда банкларнинг алоҳида ўрни бор. Республикамизнинг йирик молиявий муассасаларидан бири — Давлат-тижорат Халқ банкининг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Халқ банки:

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Банк эришаётган ютуқларни Хоразм вилояти филиали мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда ушбу молия муассасасининг шаҳар ва туманлардаги 12 та филиали, 140 дан ортиқ минибанки ва махсус кассалари 3000 дан зиёд юридик ҳамда 435 мингта жисмоний шахсга кенг қамровли хизмат кўрсатмоқда. Ана шу жараёнда жамоа ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, мижозлар ишончини оқлаш, уларга янги хизмат турларини тақдим қилиш йўлида доимо изланмоқда.

— Бизнинг устувор вазифаларимиздан бири, бу — аҳоли қўлидаги ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозит ҳисобваракларига жалб қилишни кенгайтириш, уларни мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига йўналтириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, банкнинг даромад базасини ошириш, шунингдек, мижозларнинг депозит ҳисобваракларидаги маблағларни ўз вақтида, тўлиқ қайтаришдан иборат, — дейди филиал бошлиғи Атабек Абдалниязов. — Мазкур вазифаларни тўлиқ бажариш учун соғлом рақобат шароитида астойдил ишлаб, мижозларга холис хизмат кўрсатган ҳолда, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бу саъй-ҳаракатларимиз эса ўз самарасини бераяпти.

Маълумки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, пировардида банк ресурс базасини ошириш орқали иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни кенгайтириш ҳамда молиялаштириш билан товар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда Президентимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони молиявий муассасалар учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Таъкидлаш жоизки, Халқ банкининг вилоят филиали жамоаси ҳам мазкур Фармон ижросини таъминлаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозирда филиал аҳолига қулай ва даромадли бўлган 10 дан ортиқ омонат турини таклиф этмоқда. Ўз вақтида кўрилган тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи чорагида 1 миллиард сўмга яқин маблағ жалб қилинди. Банк депозитларидаги аҳоли омонатларининг қолдиғи эса 7 миллиард сўмга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бирмунча кўпдир. Хусусан, "Кўклам", "Миришкор деҳқон", "Тақдим этувчи" каби муддатли ва "Навбаҳор", "Ижтимоий рағбат" ҳамда "Соврин плюс" ютуқли омонат турлари аҳоли томонидан яхши қутиб олинди. Ушбу омонат турлари қулай ва манфаатли бўлгани учун ҳам, бўш маблағлар айнан уларга қўйилмоқда.

Банк кредит сиёсатида, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторини маблағ билан таъминлаш, инвестиция жараёнларини янада тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни кредитлаш, ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш масаласи ҳам устувор ҳисобланади. Жумладан, филиал томонидан ҳозиргача иқтисодиётнинг реал сектори ва аҳолига ажратилган кредитлар миқдори 20 миллиард сўмга яқинлашди. Жорий йилнинг ўтган ойларида эса турли мақсадларга 4,3 миллиард сўмдан ортиқроқ кредит маблағлари берилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш диққат марказида турибди. Шу йилнинг январь-март ойларида кичик бизнесни ривожлантириш учун 2,3 миллиард

Молия муассасаларида

сўм йўналтирилгани шундан далолат беради. Натижада 200 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Урганч шаҳридаги "MEGASFERA" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси эса банкнинг 200 млн. сўм миқдоридаги кредити ҳисобига замонавий мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйди.

— Халқ банкининг вилоят филиали билан ҳамкорлик ўрнатганимиздан кейин иш суръати янада ортди, — дейди қўшма корхона бош директори Мурод Ваисов. — Гап шунда, банкнинг кредит маблағларига Германия ва Италия давлатларидан янги дастгоҳлар сотиб олдик. Пировардида қўшимча 15 та иш ўрни очилди, корхонамиз эса йилига 410 миллион сўмлик мебеллар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Бундан ташқари, Қўшкўпир туманидаги "Хоразм шифер" масъулияти чекланган жамияти Хитой технологияси асосида шифер ишлаб чиқариш учун 150 миллион сўмлик, Питнак шаҳридаги "Озоданон" хусусий корхонаси жавдар нон тайёрлашни кенгайтириш учун 100 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар олган эди. Эндиликда бу корхоналарда ҳам юксак натижаларга эришилмоқда.

Қишлоқ мулкдорларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Мисол учун, жорий йил бошидан буён 17 та фермер хўжалигига техника ва қишлоқ хўжалик агрегатлари харид қилишлари учун 650 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган эди. Бугунги кунда фермерлар экин-тикин ишларида ўз техникаларидан фойдаланмоқдалар. Бу, ўз навбатида, улар етиштирадиган ҳосилнинг таннархи камайишига ва даромадлари кўпайишига олиб келади.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам банк томонидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида, масалан, ёш оилаларга уй-жой қуриш, квартира сотиб олишлари учун, оилавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, бугунги кунда вилоятда пластик карточкалар оммалашиб, хоразмликлар ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Улар пластик карточкалар нафақат ҳисобкитобда қулай усул, балки ўз даромадларини оширишнинг молиявий воситаси эканини тушуниб етдилар. Филиаллар томонидан 10 мингдан ортиқ электрон ҳамён муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг соҳибларига 59 та терминал орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Кўриниб турибдики, филиал жамоаси мижозлар ишончини қозониш, мустаҳкамлаш, банк хизмати кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтириш, ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиш йўлидан дадил бормоқда. Зеро, банкнинг самарали фаолияти халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-18-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: DAO@POST.UZ

шунга ўхшаш тўловлар ҳисобга олинмайди ва етказилган зарарнинг ўрни қопланиши лозим бўлган миқдори камайтирилишига олиб келмайди (етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди). Жабрланувчи соғлиғи шикастланганидан кейин оладиган иш ҳақи (даромад) ҳам етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғуртанинг бутун даври учун бир йўла тўланади.

4-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17-модда. Иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Қонунга мувофиқ иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун суғурталовчини ва аннуитетлар шартномасини тузиш учун аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини танлаш;

суғурталовчидан ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ва (ёки) аннуитетлар шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда, суғурта мукофо-

Буклаш чизиғи

10-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули қуйидагича белгиланади:

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мазкур шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейин келадиган ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, бу шартноманинг суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартишлар киритилади. Бунда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб

Қирқиш чизиғи

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи — умумий суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

касб касаллиги — ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

меҳнатда майиб бўлиш — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши;

наф олувчи — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

суғурта ҳодисаси — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

ходим — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс.

Буклаш чизиғи

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакилларини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

5-боб. Суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

21-модда. Суғурталовчига ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига қўйиладиган талаблар

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш учун суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи белгиланган тартибда фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияга эга бўлиши керак.

Суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг алоҳида бўлинмаларига эга бўлиши керак, улар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси ёки аннуитетлар шартномасини тузиш, иш берувчиларнинг ва (ёки) жабрланувчиларнинг ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш

Қирқиш чизиғи

ма бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи:

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий

Буклаш чизиғи

шартларнинг тўлиқ эмаслиги учун жавобгарлик суғурталовчи зиммасида бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам бўлган муддатга амалга ошириладиган бўлса, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи мазкур фаолиятни амалга оширадиган муддат учун тузилади.

7-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларини тартибга солиш

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг энг юқори даражаларини, суғурта тарифларининг тузилишини ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммасини белгилашда мазкур тарифларнинг суғурталовчи томонидан қўлланилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган суғурта тарифларининг амал қилиш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Суғурта тарифлари даражаларининг ўзгариши иш берувчи томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланиши санасида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофоти миқдори шартноманинг амал қилиш муддати ичида ўзгаришига олиб келмайди.

Қирқиш чизиғи

ва наф олувчи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

6-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий шартномадир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи билан суғурталовчи ўртасида тузилади. Мазкур шартномани тузиш учун иш берувчининг ёзма шаклдаги аризаси асос бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида кўрсатилиши лозим бўлган

Буклаш чизиғи

суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

19-модда. Жабрланувчининг ҳуқуқлари

Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

ОЛТИН ГРАН-ПРИДАН — ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILAнинг «Олтин Гран-при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.



Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, спортни ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Ана шу эътибор самараси ўлароқ, ҳамюртларимизнинг халқаро турнирларда эришаётган натижалари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ушбу мусобақа мамлакатимизда ўн икки йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинади. Мана уч йилдирки, "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" FILA томонидан уюштириладиган «Олтин Гран-при» турнирлари қаторига киритилди.

Албатта, бундай нуфузли турнирнинг мамлакатимизда ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича ҳамюртларимизнинг халқаро спорт майдонларида эришаётган ютуқларини барча кўриб турибди. Ҳақли равишда Ўзбекистон полвонлар юрти, деб эътироф этилади. Бугун Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, Дилшод Орипов сингари Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муваффақиятга эришган ҳамюртларимиз билан чексиз фахрланамиз.

«Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнирида Россия, Туркия, Украина, Озарбойжон, Беларусь, Япония, Хитой, Марокаш, Эрон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган полвонлар медаллар учун кураш олиб бормоқда. Бу сафари мусобақа 2012 йили Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари олдидан ёш спортчилар учун тажриба мактаби вазифасини ҳам ўтайди.

Халқаро турнир

— «Олтин Гран-при» турнирида энг сараланган полвонларгина қатнашади,— дейди тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан FILA президенти Рафаэль Мартинетти. — Шу сабаб кичик жаҳон чемпионати, деб таърифланадиган турнирда иштирок этиш учун баҳс доимо қизғин давом этади. Ўзбекистонда ташкил этилган кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашганман. Улар юқори савияда ўтказилади. Буни юртингизда спортга берилаётган катта эътибор самараси, деб ҳисоблайман. Бу сафарги турнирда ҳам жаҳон ва қитъа чемпионатлари совриндорлари иштирок этаётганлиги мусобақа нуфузи баландлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозиргача олинган маълумотларга қараганда, юнон-рум кураши бўйича Элдор Ҳафизов (Ўзбекистон), Юнус Эмре Гёмлекчиўғлу (Туркия), Нурмахон Тиналиев (Қозоғистон) ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Газетамизнинг навбатдаги сони 21 апрель, сешанба куни чиқади.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ марказий идорасида 2009 йил 26 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 5 январдаги 10-0814/14878-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уй манзилидаги «Жиҳоз» ОАЖга тегишли, майдони 959 кв.м. бўлган, қурилган йили номаълум омборхона биноси («К» блокининг бир қисми) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.

Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: 228-79-52.

II. РКМБ Андижон вилояти филиали 2009 йил 5 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран Жалақудуқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 ноябрдаги 17-0602-9122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалақудуқ тумани, «Ёрқишлоқ» ҚФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, «Ёрқишлоқ ип-йигирув ва тўқув» ҲЖга қарашли А-литерда маъмурий бино, А1-литерда темир айвон (навес), Б-литерда қоровулхона, В-литерда ошхона, В1-литерда темир айвон (навес), Е-литерда тўқув цехи, ўтиш жойи, Ж-литерда қоровулхона, З-литерда (ХКС) музлатиш-компрессор хизмати биноси, И, К-литерларда резервуарлар, Л-литерда совитиш ускунаси (градирня), М-литерда АНС (автонасос станцияси), Н-литерда чуқур қудуқ учун насос (скважина глубинного насоса), О-литерда қоровулхона, П, Р, С-литерларда резервуарлар, У-литерда ҳовуз, Ф-литерда 2 дона 25 куб. метр мазут сиғими, Х-литерда мазут омбори, Х1-литерда 50 куб. метр мазут сиғими, Ю-литерда бетон ҳовуз, Я-литерда темир-бетон ҳовуз ҳамда К-литерда қоровулхона, (А, В-литерлардаги биноларнинг умумий фойдаланиш майдони — 1989,65 кв.м., А1, Б, В1, Е, Ж, З, И, К, М, Н, О, П, Р, С, У, Х, Ю, Я, К-литерлардаги бино-иншоотларнинг умумий қурилиш майдони — 14664,62 кв.м.).

Бошланғич баҳоси — 2 581 054 591 сўм.

Кўчмас мулклар билан Жалақудуқ тумани СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.
Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. www.rkmb.uz

III. РКМБ Қашқадарё вилояти филиали 2009 йил 8 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 сентябрдаги 18-0704/9839-сонли ҳамда 2007 йил 22 октябрдаги 18-0704/8536-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Муборак тумани «ХМКК-233» шўъба корхонасига қарашли, Муборак тумани «ХМКК-233» шўъба корхонаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1606,31 кв.м. бўлган маъмурий бино (яшаш жойи, 2 та қоровулхона, айвон, омборхоналари билан).

Бошланғич баҳоси — 63 515 000 сўм.

Юқоридаги кўмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг Қарши шаҳар «Асака» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452006, МФО: 00194, ИНН: 200933850.

Манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.
Телефонлар: (8-375) 225-44-58, 225-41-52.

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

3878/470

ОБ-ҲАВО

(17 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 5-10 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 5-7 даража илиқ, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси таниқли кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти **Даврон Исмоилович САЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Юқумли касалликлар эпидемиология ва фтизиатрия кафедрасининг ассистенти Бахшулло Бобоевга падари бузруквори **СУЛТОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университетнинг Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси Назира Бекмуҳамедовага онаси **ХОЛИДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади.

ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.50